



КЕТРИН ОЭЛЛЕРС: ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ САЛОХИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНА БОШЛАДИ

Инвестициялар бўйича давлат қўмитасида Ўзбекистон — Германия молиявий-техник ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро маслаҳатлашувларнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Германия Федератив Республикасининг иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги бўлим бошлиғи Кетрин Оэллерс, ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳ ва мухтор элчиси Гюнтер Оверфельд, Германия тараққиёт банки (KfW), Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) мутахассислари ва мамлакатимизнинг инвестиция, банк-молия, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, экология каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов очиб берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жамоатчилик назорати механизмларини ўрнатиш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида олиб борилаётган ислохотлар қўтилган самараларни бермоқда.

— Бизда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва таъсирчан ҳукуматни ривожлантириш каби соҳаларда ўз салоҳиятидан самарали фойдалана бошлабди, деган таассурот уйғонди, — деди Кетрин Оэллерс. — Юртингизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар икки томонлама муносабатларни янада изчил ривожлантиришга туртки беради.

Мажлисида ўзаро ҳамкорлик натижалари, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш бўйича лойиҳа тақлифлари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, 2017 йилда Ўзбекистон — Германия ҳукуматлараро музокаралар натижаси ва ўзаро ҳамкорлик асосида соғлиқни сақлаш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилган. Хусусан, Германия ҳукумати билан соғлиқни сақлаш дастурининг 4-босқичи бўйича ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 11,3 миллион евро ажратилган.

Мажлисида Германия томони мамлакатимизда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳалари, хусусан, пахта етиштиришда янги технологияларни қўллаш, фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишга 26 миллион евро миқдорида маблаг ажратиш режалаштирилганини маълум қилди.

Тадбир доирасидаги сессияларда GIZнинг «Марказий Осиёда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун қонун устуворлигини таъминлаш», «Марказий Осиёда профессионал таълим», «Марказий Осиёда савдони соддалаштириш», «Марказий Осиёда иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун барқарор ва иқлим ўзгаришига таъсирчан ерлардан фойдаланиш» каби минтақавий лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилиш имкониятлари қўриб чиқилди.

Мажлис натижалари бўйича протокол имзоланди.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Давлат бюджети лойиҳаси кўриб чиқилади

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида жорий йилнинг 9 ойлиги якунларига асосан давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси кўриб чиқилмоқда.

Бугун парламент куйи палатасида шу масала юзасидан Ўзбекистон ХДП фракциясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтади. Йиғилишда, шунингдек, 2019-2021 йилларга мўлжалланган Бюджетнома — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, Солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари муҳокама қилинади.



Бахтиёр МУСТАНОВ олован сураёт.

Самарқанд шаҳри: ҚАДИМ ҚАДРИЯТЛАР, БАРДАВОМ БУНЁДКОРЛИКЛАР

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темурнинг Дилқушо боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушиб, ўз таассуротларини қуйидагича баён этган экан: «Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...»

4

ЭЪТИБОР

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар иттифоқи кенгашига Президент совғаси — «Исузу» автобуслари, «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман бўлимлариغا эса 16 та «Спарк» хизмат автомашиналари топширилди.

— Президентимиз томонидан нуронийларга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқарма



раиси Шараф Уснатдинов. — Мана, қорақалпоғистонлик нуронийлар учун «Исузу» автобуси топширилгани бизни беҳад қувонтирди. Бундан ташқари, қорақалпоғистонлик 27 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 10 турдаги қишки кийим-кечаклар тарқатилмоқда. Нуқсуда қўрилган «Нуронийлар маскани»

фаолиятдан ҳам кексаларимиз жуда мамнун.

Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар иттифоқи кенгашига топширилган автобус Президентимиз томонидан ёшлар келажакига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг амалдаги ифодаси бўлди. Бу хурсандчилик Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби»нинг очилиш тантанасига улашиб кетди.

Бундай мактаб Ўзбекистонда илк бор Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани ФХД бўлими қошида ташкил қилинган. Ушбу мактабда оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодиёти, рўзгор ва бюджетни юритиш, оиладаги ижтимоий роллар ва уларни англаган ҳолда муносабатлар қуриш каби мавзуларда ўқув семинарлари ўтказилади.

Е.КАНОАТОВ,
ЎзА мухбири.

ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИДАН КИМЛАРГА

парламент сўрови
юборилган?..

Қонунчилик палатасининг 2018 йилга мўлжалланган «Ҳукумат соати»ни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Диққатга молик жиҳати, мазкур амалиёт миллий парламент тарихида илк бор ташкил этилди.

2

Навоий шаҳри ва Навоий кон-металлургия комбинати ташкил топганлигининг 60 йиллиги олдидан

«БИР ЎЛКАКИ,
ТУПРОФИДА
ОЛТИН
ГУЛЛАЙДИ»

3

18 НОЯБРЬ — ДАВЛАТ
БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА
ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
КУН

ДАВЛАТ
БАЙРОҒИГА
ҲУРМАТ ТУЙҒУСИ
ИЙМОНИМИЗ
КАБИ МУҚАДДАС
БЎЛСИН



Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсоли ҳисобланади. Байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Байроқ ор, номусдек асралган.

«Темур тузуклари»да ёзилишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозongan амирлар ва сипоҳийларга давлат тимсолари — туғ ва ногора инъом қилинган. Бу соҳибқирон Амир Темур давлатида салтанат рамзлари нечоғли баланд мақом тутгани ва улар қандай катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этганидан даволат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун 1991 йил 18 ноябрь куни қабул қилинди. Шунга асосан давлат байроғи суверенитетимизнинг рамзига, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсолига айланди. Унда Ватанимиз табиати, тарихимиз акс этгани ҳар бир ўзбекистонликка фахр бағишлайди. Байроғимиз 1992 йилнинг 2 мартидан Ўзбекистон тўлақонли суверен республика сифатида тан олинганнинг рамзи сифатида БМТнинг Бош қароргоҳи олдига ҳам ҳилпирай бошлади.

2010 йил декабрь ойда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳақидаги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши. Хусусан, байроқдан фойдаланиш тартиби, байроққа билдирилаётган муносабат бандма-банд қайд этилган.

Қонунга қўра, Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Байроқ тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш тақиқланган. Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Аммо афсуски, бепарволигимиз оқибатида айрим кўча ва муассасаларда давлат байроғидан, ундаги рамзлардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Яъни, байроқ турли «бей-жик»ларда, ташки реклама маҳсулотларида фон сифатида ишлатилиб, унинг устига турли расм ва ёзувлар жойлаштирилмоқда. Баъзи жойларда деворларни байроқ ранглари ва белгилари шаклида бўяш ҳолатлари мавжуд. Ваҳоланки, бундай ҳаракатлар қонун билан тақиқланган. Давлат байроғи ердан камида 2,5 метр баланд жойлаштирилиши белгиланган.

Давлат байроғининг ҳажми қатъий белгилангани ва ҳар қандай ҳолатда унинг пропрцияси сақланиши лозимлиги кўрсатилганига қарамай, баъзи муассасалар олдига, жамоатчилик сайр қиладиган ҳудудларда бу кўрсатма ҳам бузилмоқда.

Ватанга ҳурмат унинг рамзларига ҳурматдан бошланади. Давлатимиз рамзларига юракдан, қонун талаби асосида муносабатда бўлайлик, фарзандларимиз ҳам биздан шунини ўргансин.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши
раиси ўринбосари, Олий Мажлис
Сенати аъзоси.

Обуна — 2019

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА
ИНДЕКСИ-220

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИДАН КИМЛАРГА парламент сўрови юборилган?..



Шухрат МАМАДЖАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси:

— Тараққиётнинг янги босқичида ислохотлар шиддатли амалга оширилмоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жабҳалардаги янгиликлар ҳалқимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириб, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтирмоқда.

Бу борада, албатта, парламентнинг ҳам ўрни тобора ортиб бораётди. Пировардида қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига беvosита таъсири янада кучайишига эришилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлик корпуси жорий йилда ҳам ҳалқ билан беvosита мулоқотни изчил давом эттирди. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг муаммолари билан қизиқди. Қонун ижодкорлиги фаолиятига жамоатчиликни кенг жалб қилиш, шу жумладан, қонун лойиҳаларини фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўрганган ҳолда тайёрлаш, қўриб чиқилаётган ҳужжатлар юзасидан аҳоли ўртасида очиқ муҳокамапар ўтказиш амалиёти тизимли тарзда йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда айрим далил ва рақамлар ҳусусида тўхталиб ўтаск. Жорий йилнинг 9 ойида қўйи палатанинг қўриб чиқишида 140 та қонун лойиҳаси (2017 йилда 110 та эди) бўлиб, улардан 112 таси ҳисобот даврида киритилган, 28 таси эса олдинги ҳисобот давридан ўтган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 1 та Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси қўриб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, 113 лойиҳадан 15 таси янги қонун, 5 таси янги таҳрирда қонун, 11 таси халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилишни ҳамда 81 таси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутган қонун лойиҳаларидир. Йилнинг ўтган даврида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 19 та қонун лойиҳаси киритилган.

Ҳисобот даврида 3 қонун лойиҳаси уни киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан қабул қилинган, 7 та қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан рад этилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтарилган.

Ўтган даврда парламент қўйи палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва асослигини ҳамда тўғридан-тўғри таъсири таъминлаш борасидаги ишлар тўғрисида кучайтирилди. Хусусан, муҳим ижтимоий, социал-иқтисодий аҳамиятга эга қонун лойиҳаларини қўриб чиқишнинг барча босқичида уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини беvosита жойига қилиб ўрганиш ва қўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини шу асосда такомиллаштириш амалиёти тизимли йўлга қўйилди.

Қонун лойиҳалари юзасидан кенг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш мақсадида улар депутатлар бирлашмалари ҳамда қўмиталар томонидан интернет тармоғига, шу жумладан, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтига ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириб борилди. Улар бўйича қўллаб-тақлифлар, фикр-мулоҳазалар олинди.

Таъкидлаш кераки, қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш амалиёти, биринчи навбатда, қабул қилинаётган қонунларда сайловчиларнинг манфаатларини янада тўлиқ ифодалашга, ушбу қонунларнинг ҳаётга самарали жорий этилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2018 йил 3 июлда қабул қилинган «Медияция тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқаролар ва ташкилотлар ўртасидаги низолаҳарни судсиз ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Медияция — низо бўйича муайян келишув тузишга қўмаклашувчи учинчи ҳолис, низода манфаатдор бўлмаган

тараф — медиатор иштирокида низоли альтернатив ҳал қилиш усулидир. Бунда тарафлар низоли ҳал этиш мақсадида қарор қабул қилиш жараёнини тўлиқ назорат қилади. Медияцияни қўллаш, тарафлар — фуқаролар ва ташкилотлар, шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежашга ва суд харажатларини қисқартиришга имкон беради. Уларда низоли судгача олиб бормасдан тез, арзон, қулай жой ва вақтда ҳамда махфий равишда ўзаро мақбул келишувга эришган ҳолда ҳал қилиш имконияти пайдо бўлади. Бунда, тарафлар ўртасида ишбилармонлик муносабатларининг сақланиш эҳтимоли юқори. Тарафларга суд муҳокамаси билан боғлиқ ишлар бўйича адвокатларни жалб этиш, давлат божи ва бошқа харажатларни қоплаш шарт эмас. Шунга қўра, тарафларда юзага келган низоли тез ҳал қилиш ва ўзларининг асосий фаолиятини давом эттириш имкони пайдо бўлмоқда.

2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни аҳолини иш билан таъминлашда қўшимча имкониятлар яратди. Амалдаги қонун ҳужжатларига (Меҳнат кодексига, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни) мувофиқ, бандлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ва фуқароларнинг тегишли қафолатлар билан таъминланиши Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Қўлчилик мамлакатларда эса аҳолини иш билан таъминлашда хусусий бандлик агентликлари ўзига хос ўрн тутди. Чет элда бандлик соҳасида хизматлар қўрсатувчи хусусий бандлик агентликлари давлатдан мустақил субъект бўлгани ҳолда, корхоналарга (иш бевуҳчиларга) ва иш қидираётган фуқароларга хизмат қўрсатади. Умуман олганда, бундай агентликлар ҳар йили жаҳонда 8 — 10 млн. нафар кишини иш билан таъминлайди.

Хусусий бандлик агентликлари фаолияти йўлга қўйилиши Ўзбекистон аҳолисини ҳам мамлакат корхоналарида, ҳам чет элда иш билан таъминлаш имкониятларини қўлайлаштириш ва кенгайтириш, давлат хизматлари, хусусий сектор учун бандликка қўмаклашишни аниқ механизмни тартибга солиш, иш билан таъминлаш борасида хизматлар қўрс

сатиш учун тартиб ва шартларни белгилаш, шу жумладан, хусусий бандлик агентликлари, корхоналар ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш имконини беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколати доирасида назорат-таҳлил фаолиятини ҳам амалга ошириб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Қонунчилик палатасида 12 та парламент эшитиш ўтказилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ҳамда «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг 2018 йилга мўлжалланган «Ҳукумат соати»ни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Дикқатга молиб жиҳати, мазкур амалиёт миллий парламент тарихида ilk бор ташкил этилди. Депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳоли юзасидан олиб борган ўрганишлари ҳамда одамлардан келаётган муносабатлардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракциялари таклифларига қўра, «Ҳукумат соати»га киритилган саволларга ҳукмат аъзолари жавоб беришди. Хусусан, 1 майда уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирининг ўринбосари Ў.Джамалов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев, 5 июлда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир Ш.Қудбиев, 7 августда туризмин ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Аққулов, 6 сентябрда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Қўқоров «Ҳукумат соати»да депутатлар саволларига жавоб қайтарди.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 3 та — ҳалқ таълими вазир, соғлиқни сақлаш вазир ҳамда Бош вазир ўринбосари-молия вазирига парламент сўрови юборилди.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳолининг манфаатларини муҳофаза, сайловчилар ишончини оқлашга ҳар томонлама эътибор қаратиб келмоқда.

Йилнинг 9 ойи давомида 100 га яқин аша шундай мурожаат қайд этилган. Уларнинг 24 таси беvosита партия раҳбарининг www.xdp.uz сайтидаги виртуал қабулхонаси орқали қабул қилинган. Мурожаатларнинг ҳозиргача 90 таси ижобий ҳал этилган, қолган 9 тасининг ижроси назоратга олинган.

Мурожаати ечим топган, муаммоси ҳал бўлган фуқаролардан партия раҳбарияти номига миннатдорлик хатлари келмоқда.

Масалан, мактубларда қуйидагига сўзлар ёзилган: «Ўзбекистон ХДП вакиллари уйимга ташриф буюришиб, ўғлимга ногиронлик арачаси беришди. Бундан кейин ҳам фарзандимнинг аҳолидан тез-тез хабар олиб туришларини билдиришди. Қўрсатилган эътибор учун сизга яна бир бор миннатдорлик билдирдим... Китоб тумани «Панжи» МФЙ Қўйи Оқбой қишлоғида яшовчи С.Ибрагимов».

«...менга ўзим сўрагандек ҳокимият томонидан 25 сотих ер ажратиб беришди... Мен ўзим ва оила номидан Марказий Кенгаши раиси Х.Кетмоновга, вилоят кенгашига, туман кенгаши ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирдим».

Феруза Абдурахимова, Наманган вилояти, Янгиқўрган тумани, Бирлашган қишлоғи.

Бу каби мисолларни қўллаб-қўлтириш мумкин. Асосийси, ҳамюртларимизнинг кўнгли қўтарилмоқда, мушқули осон бўлапти. Шу билан бирга, уларнинг миннатдорлиги, билдираётган ишончи партия фаолларининг, депутатларнинг зиммасига янада катта масъулият юклайди. Ўз устида ишлаш, ташаббус ва фаоллик қўрсатишга ундайди.

Ўз муҳбиримиз.

«МЕНДА ТАКЛИФ БОР!»



Шерзод СОДИҚОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши сектор мудири:

Муҳофазага муҳтож кишининг фарзанди

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛИШИ МУҲИМ МАСАЛА

— Таълим тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилаётгани бор гап. Олий таълим муассасаларида сиртки ва кечки таълим жорий этилди, кириш синовларида тўплаган натижалари энг юқори баллнинг 30 фоизи (68,0 балл)дан кам бўлмаган, ўқиш истагини билдирган абитуриентлар амалдаги тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробардан ортиқ оширилган миқдорда тўлов тўлаш шарти билан ўқишга қабул қилиниши белгиланди. Яратилаётган имкониятлар дикқатга сазовор, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, ҳукумат томонидан олий таълим муассасаларида абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча икки фоизли давлат гранти квоталари жорий этилди. Бу ҳам партиямиз электоратни ҳисоблашимиз ногиронлиги бўлган шахсларга катта имкониятлар эшигини очиб бериди.

Бугунги кунда юртимизда барча соҳа учун замонавий кадрлар лозимлиги кундек равшан.

Ҳар йили республикаимизда мактаб, ўрта-маҳсус таълим муассасаларини қарийб 600 минг нафар ўқувчи тамомлаётган бўлса, шундан атиги 10 фоизи, яъни 60-70 минг нафари талабалар сафига қабул қилиниши бироз кўнглини хира қилади.

Бу қўрсаткичи ЮНЕСКО маълумотлари билан таққослайдиган бўлсак, талабалар сонининг мамлакатимизда ўқиш даражаси бошқа давлатлар билан таққослаганимизда, анча паст эканини кўриш мумкин. Масалан, Хитой ва Хиндистон давлатларида талабалар сони кейинги 15 йил ичида икки баробарга ошди.

Шунга қўра, партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 20 июнда қабул қилинган Олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини қўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низоимларни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Қарорга қўра, кириш синовларида тўплаган натижалари энг юқори баллнинг 30 фоизи (68,0 балл)дан кам бўлмаган, асосий квоталар доирасида ва Давлат комиссияси томонидан белгиланган қўшимча ўринларга қабул қилинмай қолган ва ўқиш истагини билдирган абитуриентларга биринчи ўқув йилига амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробардан ортиқ оширилган тўлов-контракт миқдоридида тўлов тўлаш шарти билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилади. Абитуриент Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартларини бажаргандан сўнг, олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади, деб белгилан қўйилган.

Бунда, биринчи ўқув йили учун тўлов-контракт миқдори таълим йўналиши ҳусусиятидан келиб чиқиб, Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Менинг тақлифим аша масала билан боғлиқ. Абитуриент етим, чин етим, ногиронлиги бўлган шахсларнинг фарзандларини бўлса ёки кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган тақдирда, унга ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробардан ортиқ эмас, балки 5 баробар миқдоридида тўлов тўлаш шарти билан, имтиёзли таълим кредитидан фойдаланиш орқали ўқишга кириш ҳуқуқи берилиши тарафдориман.

Ёки юқорида қўрсатилган қатлам вакиллари фарзандлари учун давлат гранти асосида сиртки таълим олиш имконияти яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу таклифларнинг асослари қуйидагича: Биринчидан, бугунги кундаги белгиланган 10 баробар миқдоридидаги тўлов-контракт суммаси ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам вакиллари учун жуда катта маблағ ҳисобланади. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қўра, республикаимизда 5,8 млн. киши расман иш билан банд. Молия вазирининг ўринбосари Д.Султоновнинг таъкидлашича, юртимиздаги 800 мингга яқин ишчи 500 минг сўм атрофида минимал ойлик маош олади. Йилига 6 млн. маош оладиган ишчилар фарзандлари учун 10 баробар миқдоридида, яъни 80-100 млн. сўмлик тўловни тўлай олмаслиги аниқ.

Иккинчидан, кам таъминланган оила вакиллари фарзандлари ҳам бекор юрмайди, бемалол ўқишга кириб, келажакда оиласи ва юрт равнақи учун хизмат қилади.

Учинчидан, қизлар учун яхши имконият яратилади. Қизлар биринчи ва иккинчи йиллари талаба бўла олмаса, одатда, уларни турмушга узатиш ҳоллари кўп учрайди. Оқибатда улар аксарият ҳолларда бир умр олий маълумотсиз бўлиб қолади.

Тўртинчидан, аҳоли қатламлари ўртасидаги иқтисодий тафовут қисқаришига қўшимча асос яратилади. Яратилаётган имкониятлардан барча ёшларимиз фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши долзарб аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

«ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

«Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори»

Қорасув шахрида мазкур шиор остида форум ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят ва Қорасув шахар кенгашлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, шахар ва туман партия кенгаши раислари ҳамда ҳамкор ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

Дастлаб тиббиёт ходимлари байрами муносабати билан концерт дастури намойиш этилди. Замонавий диагностика аппаратларида хотин-қизлар бепул тиббий қўриқдан ўтқа

зилди, зарур дори-дармонлар билан таъминланди.

Шундан сўнг давра суҳбати бўлиб ўтди. Хотин-қизлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилишди. Муаммоларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ҳал этилди. Йўлларни таъмирлаш, ичимлик сув, табиий газ, электр энергия таъминоти билан боғлиқ масалаларда эса тегишли ташкилотларга мурожаатлар юборилади-ган бўлди.

Ёқутхон МҲМИНОВА

Хотин – қизларга амалий ёрдам

Чилонзор педагогика коллежида Ўзбекистон ХДП Тошкент шахар кенгаши ҳамда Чилонзор туман кенгаши ҳамкорлигида «Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси — давлат муҳофазасида» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ЎзХДП Тошкент шахар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ишлари тўғрисида сўз юритди.

Опа-сингилларимизнинг турмуш шароити, ҳаёт тарзи ҳамда қизиқишларини ўрганиш биз учун кундалик вазифага айланган, деса муболага бўлмайди, — деди у. — Маҳаллаларга, ўқув муассасаларига борамиз. Жойларда хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар билан танишамиз,

уларни ўйлантираётган масалаларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Шундай тадбирларимиз орқали жорий йилда 84 нафар опа-сингилмиз ишли бўлди. Шунингдек, турмуш шароити оғир, уйсиз аёлларга уй-жой олишда йўл-йўриқ қўрсатилмоқда.


— Аҳоли орасига кириб бориш, партия мақсадларини тарғиб этишда турли акциялар, давра суҳбатларнинг аҳамияти катта, — деди ЎзХДП Тошкент шахар кенгаши сектор мудири Нодира Ғафурова. — Жорий йилда «Ижтимоий кўмак — ташаббускорликка йўл очмоғи керак» акцияси доирасида 6 тумандида 8 та маҳаллада тиббий қўриқ ташкил этилди, 57 нафар опа-сингилмизга даволанишлари учун йўланмалар берилди.

Ўз муҳбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: МУРОЖААТ ВА ЕЧИМ

Миннатдорлик хатлари келмоқда

Фуқароларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратиш, қўтарилган муаммоларни амалда ҳал қилиш устувор вазифага айланди. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ўзига хос тажриба тўпалган. Бир неча йиллар давомида синовдан ўтган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти электрот манфаатларини ҳимоя қилишда, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этипти. Ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, мутасаддилар ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида ҳал этилмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида партия ташкилотлари қўшидаги 207 Жамоатчилик қабулхонасига 11065 мурожаат келиб тушди. Уларнинг 8004 таси бўйича амалий натижага эришилди, қолганлари юзасидан ҳуқуқий тавсиялар берилди.

Мурожаатлар асосан тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш, ер ва уй-жой олиш, моддий ёрдам, тиббий хизмат, суд-ҳуқуқ тизими, кредит, коммунал хўжалиги, қўриқлиш ҳамда бошқа ижтимоий масалалар юзасидан бўлган. Коммунал соҳа ва бандлик ҳақидаги мурожаатлар сон жиҳатдан қўлпўлини алоҳида таъжасида жоиз.

Худудлар миқёсида энг кўп мурожаат Андижон вилоятидаги Жамоатчилик қабулхоналари ҳисобига тўғри келади. Фарғона, Тошкент,

йилнинг 9 ойи давомида 100 га яқин аша шундай мурожаат қайд этилган. Уларнинг 24 таси беvosита партия раҳбарининг www.xdp.uz сайтидаги виртуал қабулхонаси орқали қабул қилинган. Мурожаатларнинг ҳозиргача 90 таси ижобий ҳал этилган, қолган 9 тасининг ижроси назоратга олинган.

Мурожаати ечим топган, муаммоси ҳал бўлган фуқаролардан партия раҳбарияти номига миннатдорлик хатлари келмоқда.

Масалан, мактубларда қуйидагига сўзлар ёзилган: «Ўзбекистон ХДП вакиллари уйимга ташриф буюришиб, ўғлимга ногиронлик арачаси беришди. Бундан кейин ҳам фарзандимнинг аҳолидан тез-тез хабар олиб туришларини билдиришди. Қўрсатилган эътибор учун сизга яна бир бор миннатдорлик билдирдим... Китоб тумани «Панжи» МФЙ Қўйи Оқбой қишлоғида яшовчи С.Ибрагимов».

«...менга ўзим сўрагандек ҳокимият томонидан 25 сотих ер ажратиб беришди... Мен ўзим ва оила номидан Марказий Кенгаши раиси Х.Кетмоновга, вилоят кенгашига, туман кенгаши ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирдим».


Феруза Абдурахимова, Наманган вилояти, Янгиқўрган тумани, Бирлашган қишлоғи.

Бу каби мисолларни қўллаб-қўлтириш мумкин. Асосийси, ҳамюртларимизнинг кўнгли қўтарилмоқда, мушқули осон бўлапти. Шу билан бирга, уларнинг миннатдорлиги, билдираётган ишончи партия фаолларининг, депутатларнинг зиммасига янада катта масъулият юклайди. Ўз устида ишлаш, ташаббус ва фаоллик қўрсатишга ундайди.

Ўз муҳбиримиз.

«БИР ЎЛКАКИ, ТУПРОФИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ»

Буюк ўзбек шоири
ва мутафаккири номи
билан аталган, Маликчўл
мўъжизаси ҳисобланган
обод ва муҳташам Навоий
шаҳрида, вилоятида
«Қизилқумцемент»,
«Электромех»,
«Навоийазот» сингари бели
бакуват, мамлакатимиз
иқтисодиёти юксалишига
улкан ҳисса қўшаётган
корхоналар кўп. Улар
орасида Навоий
кон-металлургия комбинати
алоҳида нуфузга эга десак,
асло муболага бўлмайд.



Комбинатда олтин, уран, кумуш, фосфоритлар қазиб олинади, сульфат кислотаси, заргарлик, трикотаж ва тўқимачилик буюмлари, машинасозлик ҳамда маиший техника ашёлари ишлаб чиқарилади. Комбинат мутахассислари маъдан топиш учун қидирув-разведка ишларини олиб боради. Бу ерда маъдани қазиб олиш, қайта ишладан тортди, уран оксиди ва чала оксиди, тоза, соф олтин олишгана бўлган замонавий технологияга асосланган тугал, тўла жараён амалга оширилади. Корхонанинг республикамизнинг турли вилоятларида кон бошқармалари ва улар ёнида бунёд этилган Учқудук, Зарафшон, Нуробод, Зафаробод, Заркент, Маржонбулоқ, Красногорск каби шаҳарлар шодаси ҳамда бошқа саноят, маданий-маиший муассасалари бориётган комбинат фаолияти кўпгина турли қанчалар кенглигини аниқлаш мумкин.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий шаҳри ва «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ташкил топганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши мамлакатимиз ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга Навоий шаҳри ва машҳур комбинатга бўлган катта эътиборнинг ёрқин намунаси.

Халқимиз — бунёдкор халқ. Бу олий фазаилат аждодларимизнинг қон-қонидан бизларга ўтиб келган. Ўзбек қураман дейди, бузишни асло ўйламайди. Бунга Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлиги яққол мисолдир. Унинг қурган шаҳарлари (Шохрухия, Байлақон; Самарканд атрофида барпо этган Дамашк, Шероз, Султония, Бағдод ва ҳ.к. шаҳарчалари), иморатлари, медресалари, болғари оламга машҳур. Алишер Навоий ҳазратлари-чи? Улуг шоирнинг бунёд этган мадраса ва масжидлари, иморатлари, болғари тарихимизни безаб турибди. Бу аънава давом этмоқда, давом этаяверади.

...1958 йил 22 сентябрь ойда Ўзбекистон ҳукумати фармони билан Бухоро вилоятидаги Кармана (шаҳар типидagi посёлка) райони Навоий райони деб атала бошланди ва Навоий шаҳрига асос солинди. Ўзбекистон харитасида «Навоий» сўзи пайдо бўлди. Бу улуг шоирга ҳурмат ва юксак эҳтиром белгиси эди. Айнан шу йили Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилди.

Бугун бу комбинат — ўхшаши йўқ, улкан индустрияга айланди. Шимоллий кон бошқармаси, Марказий кон бошқармаси, Жанубий кон бошқармаси, 5-кон бошқармаси, Зарафшон қурилиш бошқармаси... Бошқармалар кўп. Ҳар бири комбинатнинг қон томири, десак адашмаймиз. Ходимлар сони 60 мингдан ошиб кетди, 47 миллат вакиллари меҳнат қилади, уларнинг орасида фан докторлари ва фан номзодлари бор. Мустиқллик йиллари комбинатда 24 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

Шуни айтайти керакки, кейинги пайтларда комбинатда замонавий технологиялар билан жиҳозланган бир неча корхона барпо қилинди. Чунончи, 3-гидрометаллургия заводида сульфидли маъданларни бактериал оксидлаш технологияси муваф-

фақиятли йўлга қўйилди. Марказий кон бошқармасида олтинни уюмда ишқорлашчеҳи ва «Мурунтов» қонида эмульсион портловчи моддалар заводи, Жанубий кон бошқармасида 4-гидрометаллургия заводи, «Марусов» қонида эса қуввати бўйича жаҳонда ягона бўлган Тик-қия конвейери ишга туширилди. Саёй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон олтин ишлаб чиқарувчи давлатларнинг биринчи ўнлигига кирди. Ватанимиз улкан олтин конларига эга бўлибгина қолмасдан, балки энг тоза ва юксак сифатли олтин ишлаб чиқармоқда. «999.9»(!) пробали Қизилқум қўймалари жаҳон бозорларида овоз Ўзбекистоннинг ишонч ёрлигига айланмоқда. Мурунтов олтини — мустиқил Ўзбекистоннинг фахри, ифтихори.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган дастур бўйича, умумий қиймати 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ эвазига 27 та инвестициявий лойиҳа устида қизғин иш олиб боришмоқда. Хусусан, «Ауминзо-Амантой» қони негизда 5-гидрометаллургия заводи барпо этилади, «Мурунтов» қони бешинчи навбати ишга туширилади, «Қўпқатас» ва «Довгис-тов» қонларида муҳим лойиҳалар амалга оширилади. Буларнинг бари сув келса сиғириб, тош келса кемириб, саҳронинг иссиғи демай, совути демай юксак шийоат намуналарини кўрсатаётган қадри баланд, ўт юракли қончиларимизнинг муборак тўйга катта меҳнат тўхталари билан келаятганларини кўрсатиб турибди.

Навоий шаҳрида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кишини ҳайратга солади. Фаиришгани шаҳарнинг буюк бунёдкор шоир ва мутафаккир номи билан аталиши ҳам бежиз эмас. Бу ерда инсон боласининг ақли етмайдиган бир илоҳий сир бордек... Шаҳар аҳолиси икки юз мингга яқинлашиб қолди, унда ўттиз саккиз миллат вакиллари яшайди, ўттиз маҳалла бор, 2 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатади. Фарбий томон — саноат зонасида «Навоийазот», кон-металлургия комбинати жойлашган, яқинда бу ерда эркин иқтисодий зона бўлиши иш бошлади. Тўртта ички саноат зоналари мавжуд. Шарқий томон — аҳоли яшайдиган жойлар, «Меъмор», «Мурувват» маҳаллаларида турар жойлар барпо этиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

— «Навоий-сити»ни лойиҳалаш, қуриш ишлари бошлаб юборилди, — дейди шаҳар ҳокими **Муҳиддин Бозоров**. — Бунинг учун 42 гектар ер ажратилди. Завод, комбинатларимиз, бошқа идоралар шу ерга қўчади. Кичик саноат зоналарига катта аҳамият бермоқдамиз. Саноат корхоналари сони 546 та. Қўшма корхоналар — 26 та. Ривожланиш кўрсаткичларимиз тибора яхшиланиб бормоқда. 9 ой учун бюджетга 569 233,10 миллион сўм туширилди. 10 ой давомида 66 лойиҳа ишга туширишга эришилди. Янги иш ўринлари яратиш асосий вазифадан бири. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 4826 иш ўрни яратилди. Келаси йили 1405 иш ўрни барпо этиш режалаштирилган, ҳаёт доим режаларга

ўзгаришлар киритиб туради, иш ўринлари қўлайиб боради, албатта.

Шу йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган ҳўжалик юрт-тўчи субъектлар 251 тага етди. Шундан кичик бизнесга қаратилгани 220 та, умуман, ҳўжалик юрт-тўчи субъектлар сони 3184 тани ташкил этади.

Навоий шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан умумий қиймати 1180,7 млрд. сўм бўлган ўрта ва йирик лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди, уларни ишга тушириш асосида 2783 иш ўрни яратилиши белгилан олдин. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига қиймати 107,1 млрд. сўмлик 77 лойиҳа ишга туширилиб, 693 та янги иш ўрни яратилди. Жараён қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги қарори асосида шаҳарда амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси билан қизиқдим. «Навоийазот» АЖ негизда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини қуриш лойиҳаси (қиймати 1 702 451,0 АҚШ доллар) бўлиб, бунинг ичида, корхонанинг ўз маблаглари, ҳўқуқли қишлоқ остида хориж инвестицияси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблаглари мавжуд) прогноз бўйича 90,1 фоизга ижро этилган. Шунингдек, «Навоийазот» корхонасида яна поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш ҳамда азот кислотасини ишлаб чиқариш ташкил қилиш лойиҳалари устида ҳам иш тўхтагани йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг улкан эътибори ва ғамхўрлиги натижасида мамлакатимизда халқ соғлиғини яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимлари мутлақо янги тарзда ишлаб чиқилмоқда. Айташ керакки, бу ўзининг ҳаётбахш самараларини бермоқда. Бунин Навоий шаҳри мисолида ҳам қўриш мумкин.

Қурувчи тадбиркор Фахриддин Хирожев саёй-ҳаракатлари билан бунёд этилган «VAGUS» МЧЖ даволаш диагностика маркази, бир сменада 100-амбулатор қатновга ва 5 ўринли стационар (ётиб даволаниш)га мўлжалланган. «Асака» банки ажратган 2 миллиард сўм кредит асосида марказнинг янги биноси қурилгандан кейин яхши шароитлар вужудга келди. Ҳозир 50 ўринли стационар, катта ва кичик жарроҳлик заллари, 3 ўринли реанимация бўлими ишлаб турибди. Қандай шифокорлар ишлашини сўраб-суриштирдим, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдим. Терапевт, кардиолог, кардиоревматолог, гастроэнтеролог, гинеколог, отоларинголог, рентгенолог, невропатолог... Яна кўп. Бундай мутахассис-врачларнинг кўпчилиги, одатда, пойтахт шифохоналарида бўларди, энди вилоятларда ҳам ноб шифо усулларидадан фойдаланиб, даволаш жараёнлари олиб боришмоқда. Яна бир қувонарли жойи, марказ хорижий шифокорлар, хусусан, Ҳиндистон врачлари билан ҳам ҳўқуқли алоқаларини боғлашга, уларни тақлиф қилиб, халқимиз соғлиғини сақлашга хорижий бой тажрибаларга суяниб,

фаолият олиб боришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Натижада ҳинд врачлари келиб муолажалар ўтказишмоқда.

2012 йил 9 октябрь кунидан бошлаб шаҳарда «ESHMURUD DENTA SHIFO MASKANI» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Янги инновацион технологиялар олиб келинди. Шифо масканининг обрўйи эл-халқ ўртасида ортандан ортиб бормоқда. Бу ерда Навоий вилоятдан бошқа Бухоро, Самарқанд вилоятлари, Тожикистон, Қозоғистон республикаларидан келган беморларни ҳам қўриш мумкин. Кам таъминланган, I-II гуруҳ ногиронларига имтиёзлар берилиши белгилан қўйилган. Бўлимлар кўп. Жарроҳлик бўлими 12 нафар беморга мўлжалланган. Ҳозиргача саккиз юзга яқин бемор жарроҳлик йўли билан шифо топди. Келажакда шу ерда 100 ўринли жарроҳлик маркази очилиши кўзда тутилмоқда.

Навоий шаҳрида жойлашган вилоят кўп тармоқли марказий шифохонасида, бош врач Э.Аҳмедов бошчилигида жуда савобли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда шифохона томонидан Япониянинг машҳур «Жайка» компаниясидан 6 млн. долларга қимматбаҳо замонавий тиббий жиҳозлар сотиб олиб келинди. Уларнинг ичида энг сўнгги рақамли юкори сифатли рентген аппарати, ЭКГ ва яна бошқа зарур жиҳозлар бор. Ҳозир бу ерда мураккаб бўлган юрак муолажалари ҳам амалга оширилмоқда.

Шаҳар ҳўқимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Умрўқ Муродуллаев билан шифохоналарнинг қўриб бўлган, «Обод маҳалла» дастурига киритилган «Тинчлик» маҳалласига йўл олди. Йўл-йўлакай қизғин бунёдкорлик манзаралари намойён бўлиб боради. Ҳамма ҳаракатда, жим турган одам йўқ. Шаҳар гўё эрта-индин катта тўй бўладиган хонадонни эслатар, бу боққан кишига қандайдир кўтаринки руҳ бағишларди.

«Тинчлик» маҳалласида иш қизғин экан. Катта йўлнинг ёнига қўлай йўлка қилинган, ёшлар меҳнат гузари(бу каттагина тикланаётган бино, ичида барча маиший хизмат хоналари бўлиши мўлжалланган) олдида бир неча оқсоқол сўхталлашиб турган экан. Улар билан қўришди. Барчасининг кайфияти яхши, юрт обод бўлмоқда ахир. Шундоқ энимизда барро этилган амфитеатр диққатимизни ўзига тортиди. Безак ишлари олиб боришмоқда экан. Бу ерда концертлар, кўнгличлар томошалар бўлади ҳали, байрам тантаналари ўтказилади. Дўқонлар ишга тушиб кетибди. Аҳолини сув, электр билан таъминлаш, инфраструктура йўлга қўйиш, ижтимоий объектларни таъмирдан чиқариш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Йўлнинг нариги томонида янги таъмирдан чиққан 9-мактабнинг муҳташам биноси қўриб турган. Шу томонга юрамиз. 405 нафар ўқувчи билан олада бу мактабда, 38 ўқувчи сабоқ беради.

— Мен сизни яна бир мактабга олиб бораман, — дейди Умрўқ Муродуллаев.

— Хурсанд бўласиз. Ажойиб мактаб!

Шаҳардаги 11-мактабга келганимизда бизларни мактаб директори ўринбосарлари Исом Рўзиев ва Сайёра Нейматовалар кўтиб олишди. Жуда катта мактаб экан. 1-11 синфларда 2312 нафар бола билим олади. 75 та синфга эга. 193 нафар ўқувчи дарс беради. Уларнинг орасида 51 нафар халқ таълими аълочили бор, география ўқитувчиси Р.Абдиев эса «Шўхрат» медали билан тақдирланган.

Мактабда тиббиёт, иқтисод, техника, ҳўқуқ йўналишлари бўйича таълим берилади. 2011 йилдан бери 5-8 синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган аънавий республика билимлар беллашувида мактаб ўқувчилари ҳар йили фақат 1-ўринни эгаллаб келади! Ўқувчилар ичида фан олимпиадалари ғолиблари кўп. Ажойиб мактаб эканини шунда тушундим. Мактабнинг катта залида ўтган учрашувида эса бунга яна гувоҳ бўлдим. Залини тўлдирган ўғил-қизлар барчаси кўзлари ёниб, қизиқиш билан сўзларга қўлоқ солишар, саволлар беришарди.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 март кунин Навоий вилоятига таърифи давомида берган топшириқларига асосан, Навоий шаҳридаги янгидан қурилган 19-умумтаълим мактаби (бу «Меъмор» маҳалласида) базасида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиётига ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Олий ва 1-тоифали она тили ва адабиёт ҳамда бошланғич таълим ўқитувчилари танлов асосида ишга олинди.

Мактаб директори Ж.Вафоқулов бундай деди:

— Бу қарор она тилимиз ва адабиётимизга бўлган катта эътиборнинг ёрқин намунаси, бизнинг мактабимиз учун эса катта шараф бўлди, айни пайтда катта масъулиятдир, бунин юракдан ҳис этамиз. Мактабимизда 1060 нафар бола ўқийди. Уларга 67 ўқувчи таълим-тарбия беради. Биринчи синф ўқувчиларидан танлаб олинган тил-адабиётга мўйил болалардан ҳар бирда ўттизтадан иккита 2-синф ташкил этилди. Бу синфларда дарслар алоҳида дастур асосида ўтказилади.

Шаҳарда педагогика институти қошида ва қончилик институти қошида лицейлар ишлаб турибди. 6 та коллежда ҳам ўқув жараёнлари қизғин. 744 ўқувчи таълим оладиган тиббиёт коллежининг фаолияти алоҳида аҳамиятга молик. Яқинда шаҳарда юридик коллежи ҳам очилди.

Бир пайтлар кичкина разъезд бўлган қўлнинг лўчмоғида, бугунги кунда эса бўстонга айланган шаҳарда икки олий ўқув юрти — педагогика ва қончилик институти (уларда жаъми ўн мингга яқин талаба сабоқ олади), мактаблар, лицейлар гурираб ишлаб турибди. Учта — электромеханика, қон иши ва кимёвий металлургия факультетларига эга қончилик институтида ўтган учрашуви, айниқса, қизиқарли бўлди. Адиллар келганини қўриб, залга йиғилган талабалар шу заминнинг болалари, уни ардоқлаб, огирини енгил қиладиган, унинг учун хизматта шай турадиган, Навоий номини шарафлаган шаҳарнинг паҳлавон ва меҳрибон фарзандлари эди!

Қизилқум нега қизил, деб ўйланар эдим. Аслида, унинг бағрида яширинган асил маъданлар тупроққа ҳам ранг бериб турар экан. Одатда, келажак, хусусан, шаҳарнинг келажаги ҳақида сўрашни яхши кўрамиз. Аммо Навоийда бунин бировдан сўраб ўтирмадим. Бу шаҳарда амалга оширилаётган тарихий ишлар унинг порлоқ келажакдан дарак бериб турибди.

Улуг ўзбек шоири ва адиби Ойбек ўзининг 1934 йилда ёзган «Ўзбекистон» шеърида гурур билан: «Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллади» сатрини келтирган, устоз олтин тупроқли Ватанимизни ана шундай шарафлаган эди. Ҳар бир ўзбекистон қалбида муҳрланган бу сўзлар айнан Навоий замини ҳақида айтилгандай туюлади.

Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Мактаб ўқувчилари талончилик қилди

Жорий йилнинг 12 ноябрь кунин Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туман ИИБга тушган ҳўжатларга кўра, Бўстонлиқ туманида шу йил 4 ноябрь кунин 2 номаълум шахс, Ҳазалкент шаҳрида яшовчи мактаб ўқувчиси А.Д.ни қўлидан «М1-А2-Лит» русумли мобил телефонини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинган.

Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб, Ҳазалкент шаҳрида яшовчи, 1-сонли ўрта мактабнинг 10-синфиди таҳсил олувчи ўқувчи Т.А. ва Д.А.лар содир этганлиги аниқланиб, улар ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Фирибгар қўлга олинди

2018 йил 4 май кунин Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туман ИИБга тушган ҳўжатларга кўра, 2017 йилнинг июнь ойда Чилонзор туманида яшовчи А.Ҳ. «Киночилар уйи» олдида фуқаро Қ.У.га Россия Федерациясида 61 000 АҚШ долларини қийматидаги 48 тонна гипс мева маҳсулотларини сотиб беришини ваъда қилиб, ушбу меваларни олиб, ваъдасини бажармагани ва маҳсулот пулини ҳам бермаганлиги кўрсатилган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган эди. Қўрилган чоралар натижасида А.Ҳ. қўлга олинган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Касалхонага олиб кетилаётганда вафот этди

2018 йил 6 ноябрь кунин Наманган шаҳар Тўрақўрган туманида яшовчи Ҳ.А. «Умид» МФЙ ҳудудида жойлашган савдо дўкони олдида ўзаро жанжал оқибатида Наманган шаҳрида яшаган У.А.га пичоқ билан жароҳат етказиб, воқеа жойидан яширинган.

Натижада У.А. касалхонага олиб кетилаётганда вафот этган. Қўрилган чоралар натижасида Ҳ.А. ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Мастлик оқибатида турмуш ўртоғини жароҳатлади

12 ноябрь кунин Сўрхондарё вилоятининг Сарисийё туманида яшовчи, У.Қ. маст ҳолда уйда ўзаро жанжал оқибатида турмуш ўртоғи М.С.га тан жароҳати етказган.

Натижада М.С. касалхонага ётқизилган. У.Қ. ушланган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Қорамол ўғриси

Жорий йилнинг 2 ноябрь кунин Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида Фаргона вилоятида яшовчи фуқаро И.М.га тегишли 1 бош қорамол бозор ҳудудидан ўғирлаб кетилган эди.

Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Чироқчи туманида яшовчи, фуқаро Ш.А. содир этганлиги аниқланган ва у ушланган.

Нилуфар ТУРАХАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Жамоатчилик ва
оммавий ахборот воситалари
билан алоқалар бошқармаси
ходими.



Самарқанд шаҳри:

ҚАДИМ ҚАДРИЯТЛАР, БАРДАВОМ БУНЁДКОРЛИКЛАР

Самарқанд шаҳар ҳокими Фурқат Раҳимов билан суҳбат



— Самарқанд шаҳрини ривожлантиришни 2025 йилгача бўлган бош режасининг ишлаб чиқиши ва шу асосда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларининг бошлаб юборилиши бу кўҳна замин қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Суҳбатимизни туризмин ривожлантириш, туристлар учун талаб даражасида шарт-шароит яратиш бўйича олиб борилаётган ишлардан бошласак.

— Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темурунинг Дилқушо боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушиб, ўз таассуротларини қуйидагича баён этган экан: «Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фавворалар бўлиб, унда қизил олмапар қалқиб турарди...»

Аслида Клавихо бежиз ажабланмаган. Амир Темури даврида юртимизда урф бўлган фавворалар ҳали дунёнинг бошқа минтақалари учун нотаниш эди. Соҳибқирон ўз боғларида турли мармар ва гуллар билан сайқал берилган фавворасимон ҳовузлар бунёд эттирган. Уларга махсус мослама (сопол қувур)лардан сув тушиб, ариқчалар орқали ташқарига отилиб турган. Бундай гўзал манзаралар ўша давр мусаввирлари яратган асарларда ҳам муҳрланган. Фавворалар Алишер Навоий асарлари ва «Бобурнома»га ишланган миниатюраларда ҳам акс эттирилган.

Қадимий кентнинг кўҳна обидалари қаршида ҳар қандай сайёҳ ҳайратланибди. Негаки, кўҳна Самарқанднинг тарихий обидалари ўз ҳолига қайтди. Шаҳарда қайта тиклаш, ободонлаштириш ишлари авж олдирилди. Қўлгина осори-атиқалар қисқа вақтда тазмириланди. Шохи Зинда ёдгорлик мажмуасида олиб борилган қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларидан сўнг дунё донишлари томонидан «Инсоният тафаккурининг шох асари», дея эътироф этилган мазкур зиёратгоҳнинг сўнмас шухрати қайта тикланди.

— Маълумотларга қараганда, ҳар бир хорижий турист ташрифи давомида Самарқанд шаҳрига ўртача 1000 АҚШ доллари миқдориди даромад келтирар экан.

— Самарқандда туризм тез суръатлари билан ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда

«Ипак йўли» халқаро туризм университети ташкил этилди. Мазкур замонавий таълим даргоҳи соҳанинг ҳар томонлама раванқ топишига хизмат қилади. Айни пайтда вилоятда фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналар, туристик фирмалар ва экотуристлик йўналишларнинг барчасига халқаро талабларга жавоб берадиган кадрлар керак.

Самарқанд шаҳрининг тарихий ёдгорликларини таъмирлаш, реставрация қилиш, ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда шаҳарда 450 га яқин туристик намоиш иншоотлари (хунарамандлар устоналари, сувенир дўхоналар, кўнгилчоар хиббоналар, акваларк ва сув аттракционлари, чашна (дегустация) заллари, сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган асосий 23 зиёрат туризми (маданий-меҳмонхона, тарихий ва диний), 5 йирик тадбирлар ўтказиш имконига эга манзиллар мавжуд.

Самарқанддаги Регистон ансамбли, Амир Темури мақбараси, Бибиҳоним мадрасаси, Афросиёб тарихи, Ўлкашунослик вилоят тарихи музейлари, Мирзо Улуғбек расадхонаси каби маданий обидаларни кўришга, зиёрат қилишга интилувчи сайёҳлар сони йил сайин ошиб бораёти. Шунингдек, Ал-Моърудий, Шохи Зинда мажмуалари, Хазрати Хизр масжиди, Хўжа Абду Дарун, Хўжа Исҳоқи Вали, Хўжа Дониёр, Исмоил Каримов мақбаралари жаҳон сайёҳларининг эътибор марказида турибди.

Айрим хорижликлар биздаги гастрономик туризмин хуш кўришади. Уларни «Қовун сайли», «Нон сайли», «Палов сайли» сингари анъаналаримиз, Наврўз томошалари ўзига жалб этади. Маданий-маърифий, археологик, санъат туризмнинг муҳлислари ҳам кўп.

Самарқанд шаҳрида жами 110 жойлаштириш воситалари мавжуд бўлиб, улар бир вақтнинг ўзиде 4616 нафар меҳмонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. 129 туроператорлар фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари, туристларга хизмат кўрсатувчи 118 нафар гид, 62 нафар экскурсовод, 586 нафар хунараманд, 18 туристик транспорт фирмалари, 3 фольклор ансамбллари мавжуд.

2018 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида Самарқандга 1 миллион 560 мингга яқин маҳаллий ва 239 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. Хорижий сайёҳларнинг асосий қисми Жанубий Корея, Япония, Франция, Германия, Италия, Испания, Туркия, Малайзия, Индонезия, Сингапур, АҚШ, Исроил ҳамда МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари улушига тўғри келади. Шаҳарда туристлар оқимининг сезиларли даражада кўпайиши ҳисобга олиниб, жорий йилда 12 янги инвестицион лойиҳани барпо этиш ишлари бошланган.

Самарқандга ташриф буюрувчи туристларнинг оқими ҳар йили ўртача 10–15 фоизга ўсиб бормоқда. Қанчалик яхши шарт-шароит яратилса, хизматлар уларни қониқтирса, шаҳарга чет элдан келадиган сайёҳларнинг сони янада кўпайишини инобатга олган ҳолда, мавжуд меҳмонхоналар ва туристик фирмаларда халқаро андозаларга жавоб берадиган сервис хизматлари кўрсатиш чоралари кўрилаётди. Қолаверса, соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш, сайёҳларни қизиқтирадиган туристик объектлар, маршрутлар рекламаларни кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Самарқанд иқтисодий ва сервис институтиде меҳмонларга замонавий сервис хизматларини кўрсатувчи махсус факультет ташкил этилди. Самарқанд давлат чет тиллар институтиде гид-таржимонлар тайёрланмоқда.

— Самарқандни Шарқ гавҳари қиёшлашди, дунё халқларининг маданият қорраҳаси, дея эътироф этишади.

— Бу файзли маконда азалдан илм-фан, хунарамандчилик ривожланган. Ўзда қадимийлик ва замонавийликни шу даражада уйғунлаштирдик, уни бир бор кўриш, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш учун қанчадан-қанча хорижий сайёҳлар ошиқиб қолишди.

— Самарқанд азалдан. Кониқилда ишлаб чиқарилган қўғозлари, бетакор хунарамандчилиги, бутун дунёга донги кетган нонлари ҳамда қадимий мусиқа ва санъати билан ҳам машҳур бўлган. Айни пайтда ҳам бу соҳалардаги анъаналар шаҳар ва шаҳар атрофларида давом этмоқда.

Шаҳар яқинидаги Кўҳак тепалигида, Обираҳмат ариги бўйида буюк олим Мирзо Улуғбек томонидан барпо этилган улкан расадхонанинг ўз замонасидаги аҳамияти ҳозир ҳам дунё астрономлари томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида 8 олий ўқув юрти, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, умумтаълим, мусиқа ва спорт мактаблари, 3 театр фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанд мафтункор фавворалари билан бир тилга туша бошлади. Хусусан, Йўлбарслар хиббони ҳамда Темир йўл вокзали боғидаги шундай иншоотлардан оқшом маҳали махсус рангли нурлар, Регистон ва Дарҳаб кўчалари чорраҳасидаги, Рухобод ва Кўксарой майдонларидаги фавворалардан мусиқа садолари таралиб турарди.

Самарқандда яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиали иш бошлади. Бу шаҳримизнинг ҳақиқий маданият чорраҳаси, илм-фан маскани эканлигини яна бир бор исботлайди.

— Самарқанд мамлакатимизнинг санъати ривожланган шаҳарларидан бири...

— Бугун «JV MAN avto», «Дака Текс», «Сам Антеп Гиллам», «Pulsar Group Brewery», «Siyob savxoti» каби кўплаб кўшма корхоналар, «СамАвто», «Самарқандкимё» акционерлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Автомобиль заводлари конвейерларидан чиқаётган «Isuzu» русумли автобуслар, юк ва маиший хизмат машиналари хорижга ҳам экспорт қилинган.

Ҳақиқатан ҳам бугунги осийиш-талиқ, бетимсол бунёдкорлик ишлари, онгу шуғуризмдаги ўзгаришлар, турмушимиз фаровонлигига насибамиз бутунлиги — буларнинг барчаси истиқлол инъом этган буюк неъматлардир. Буни тобора янаша, янаша, ўтмиши, бугуни ва келажаги уйғунлашиб бораётган табаррук замани — Самарқанд мисолида кўриб, тараққиётимиз бардавом эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Абдурашул САТТОРОВ
суҳбатлашди.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон — Қозоғистон: ҳудудлараро ҳамкорликка бағишланган Биринчи форум

Бугун Чимкент шаҳрида Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлигининг Биринчи форуми бўлиб ўтади.

Тадбирда Ўзбекистон томонидан вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, ҳудудлар, ташкилотлар, компаниялар ва ҳусусий ишбилармон доиралар раҳбарларидан иборат 200 га яқин вакил иштирок этади.

Форум ўз ишини «Чегарадош ҳудудларнинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиги истиқболлари» мавзусига бағишланган. Ишбилармонлар йиғилиши билан бошланади.

Форум доирасида тўртта шўба йиғилиши ўтказилиши кўзда тутилган. Булар:

«Марказий Осиёда Буюк Ипак йўли. Туризм ривожининг замонавий босқичлари»;

«Янги имкониятлар сари — яқдликлик»;

«Саноат, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари»;

«Аграрсаноат мажмуаси соҳаси ва сувдан фойдаланишнинг муқобил услубларини амалиётга татбиқ этишда ҳамкорлигининг истиқболлари».

Шунингдек, чегарадош ҳудудларнинг ишбилармонлик доиралари томонидан Контактлар биржаси ҳам ўтказилиши мўлжалланган. Бунда кўплаб савдо-иқтисодий ва инвестициявий шартномалар имзоланиши режалаштирилган.

Шу куннинг ўзиде Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг саноат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда Ўзбекистоннинг миллий таомлари фестивали бўлиб ўтади.

Иқтисодиёт вазирлиги
ахборот хизмати.

ТЕННИСЧИ — ЛАРИМИЗ ИККИНЧИ ДАВРАГА ЙЎЛ ОЛДИ

Қозоғистонда Халқаро теннис федерацияси — ИТФ томонидан ўсимирлар ўртасида «G5» туркумига кирувчи «Aktobe Open» турнири ўтказилмоқда.

Мусобақанинг илк босқичида ҳамюртимиз Самандар Абдумаликов қозоғистонлик Богдан Изотовни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлуб этган бўлса, Абдураҳмон Саидмухамедов мезбон теннисчи Даниел Даркени 6:3, 6:4 ҳисобида енғди.

Шунингдек, биринчи босқичда теннисчиларимиздан Ифандиёр Махмудов қозоғистонлик Олег Сировақини 7:5, 6:3, Давид Багриновски эса яна бир мезбон спортчи Никита Сидоровни 6:1, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шу тарика теннисчиларимиз иккинчи даврага йўл олди.

Ж.ТОШҲЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Тошкент шаҳар Сергели тумани, Сергели-8 мавзеси Янги Сергели, кўчасида жойлашган... савдо дўкони биносига 2012 йил 14 сентябрдан 10:06:03:01:0208 кадастр рақами билан Калымбетова Наргиза Биузаховна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БҲҲҲ	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+11	/ -1
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+10	/ +2
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+12	/ +1
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+13	/ +1
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+12	/ +1
Тошкент шаҳри	+12	/ +2

КИТОВ ИНСОННИ ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Наманганда «Еш китобхон» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Президентимиз томонидан маънавий-маърифий илоҳотларни чўқурлаштириш, бу борада халқимизнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Еш китобхон» республика кўрик-танлови ҳам компьютер, интернет каби замонавий ахборот коммуникация технологиялари оламига берилиб кетаётган кўплаб ёшлар қалбида анъанавий мутлоа маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг вилоят кенгаши, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, олий таълим муассасалари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туманларда сараланган 36 нафар йигит-қиз 10-14, 15-19, 20-30 ёш тоифасида ғолиблик учун бахшланди.

«Буюк мутафаккир ва адиб», «Бадий асарлар билимдони» шартлари асосида ўз китобхонлик маданиятини намоиш этган ёшлар орасидан ғолибни саралаб олиш осон кечмади. Адабиётшунос олимлар, шоир-ёзувчилар ва илгор педагоглар ҳакамлик қилган танловнинг 10-14 ёшлилар тоифасида Чустдаги 7-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 7-синф ўқувчиси С.Абдулҳакимов, 15-19 ёшлилар тоифасида Наманган давлат университети қўшмадаги тилларни ўрганишга ихтисослаштирилган Ибрат мактаби ўқувчиси Д.Абдусатторов, 20-30 ёшлилар тоифасида тўрақўрғонлик муаллими М.Мунавварова ғолибликни кўлга кiritиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

— Мен бугун ўзимни бахтли оналар қаторида кўрайман, — дейди Наманган шаҳридаги 1-олиёвий поликлиника ҳамшираси Ф.Тожиева. — Ўғлим Саидкамолнинг мазкур танловда ғолиб бўлгани унинг ёруғ келажига бўлган ишонч ва умидимни мустаҳкамлади. Чунки китоб, маърифат инсонни фақат яхшиликка етаклайди.

Ақромжон САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы —
4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы —
4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 —
22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные
поливомоечные машины —
4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы —
6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы —
6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз,
самосвальный,
бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс:
(+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моё.:
(+99890) 188-15-33, (+99890)
187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-
site: www.avtokran.uz, www.
krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-38-55, (71)233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1138. 6473 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:25.

Topshirilgan vaqti — 00:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4770107433008

Газетанинг электрон санолига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5